



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 52 (10.609)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА КУНИ КЕЧА ЎЗ ИШНИ БОШЛАГАН «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИ, ТЕХНИКАСИ ВА ВЕТЕРИНАРИЯ—AGRO WORLD-2006» ҲАМДА «ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ, ИЧИМЛИКЛАР, ҚАДОҚЛАШ ВОСИТАЛАРИ ВА УСКУНАЛАР— WORLD FOOD-2006» КЎРГАЗМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.



Кўргазмалар

ЯНГИ ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНАДИ

Ушбу тadbир «ITE Uzbekistan» ва «ITE Group Plc» (Буюк Британия) халқаро кўргазмалар компанияси республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси, «Узумсаноат-холдинг» холдинг компанияси, Савдо-саноат палатаси, «Ўзгўштсўтсаноат», «Озиқ-овқат» уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, кўргазмага ташриф буюрганлар юртимиз кишлoқ хўжалиги имконият ва утуқлари билан яқиндан танишиш баробарида Буюк Британия, Германия, Голландия, Россия, Украина каби давлатларнинг кўплаб машҳур фирма ҳамда компанияларида тайёрланган мини заводлар, трактор ва тиркамалар, эҳтиёт қисмлар, сугориш ва мелиорация воситалари, қадоклаш, сақлаш ва ташиш воситалари, ветеринария препаратларини сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш имкониятига эгадир.

Кўргазмада соҳа мутахассислари, айниқса, Россиянинг «Мельинвест» компаниясида тайёрланган тегирмон



ва дон янчиш ускуналари, Германия фирмаларининг ҳамда Украина «Харьков трактор заводи»нинг техника ва тиркамаларига қизиқиш билдиришди. Озиқ-овқат кўргазмасига кўйилган турли-туман сифатли ва рақобатбардош, жаҳон андозалари даражасида ва жиҳозлари ҳам намоийш этилмоқда. Албатта, кўргазма янги шартномалар имзоланиши билан ахамиятлидир. (Ўз мухбиримиз) **СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар Наталья Семёнова олган суратлар**

қадокланган махсулотлар алоҳида урин эгаллаб, хорижлик иштирокчилар эътиборини ҳам жалб этди. Шунингдек, Австрия, Италия, Туркия, Россия, Хитой, Эрон, Покистон ва бошқа давлатларнинг махсулот

ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримовнинг тақлифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев 2006 йил 19-20 март кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ва икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қиладилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ФЕДЕРАЛ МАЖЛИСИ ДАВЛАТ ДУМАСИНИНГ ИДХ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАСИ РАИСИ А.КОКОШИН РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 16 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА БЎЛДИ.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида имзоланган ҳужжатлар бу борада муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Айниқса, ўтган йилнинг ноябрь ойида имзоланган Иттифоқчилик шартнома ҳамкорлиги янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам асос бўлди.

А.Кокшин ташриф доирасида Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида бўлгани, водийдаги учрашувлар чоғида ушбу вилоятлар билан Россия субъектлари ўртасида савдо-сотик, кишлoқ хўжалиги, саноат каби қатор соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш борасида самарали мулоқотлар олиб

борилганини таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, сўнги пайтларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги парламентларо алоқалар тобора фаллашмоқда. Жорий йил февраль ойида Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Давлат думаси раиси Б.Гризов раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрган эди. Бу мамлакатларимиз қонун чиқарувчи органлар йўналишида ҳам ҳамкорликни янада юксалтириш йўлидан бораётганидан далолатдир.

Қонунчилик палатасидаги учрашууда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги парламентларо муносабатларнинг бугунги аҳоли ва иқтисодлари, бу соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А

ЖАҲОНДА

● Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган халқаро туристик ярмаркада 180 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этмоқда. Мустақил давлат сифатида республикамиз 1994 йилдан бери ушбу анжуманда иштирок этиб келади. Дастур доирасида ўтказилган турли анжуман ва тadbирларда ўзбекистонлик туроператорлар ҳам фаол иштирок этишди.

● «Новости» ахборот агентлигининг хабарига кўра АКШ Президенти Жорж Буш 1995 йил 15 мартда Эронга қарши бир томонлама жорий этилган иқтисодий жазо муддатини яна бир йилга чўзганлигини маълум қилди.

● Россиядаги А.Н.Бакулев номи юрак-қон-томир жарроҳлиги илмий маркази директори, академик Лео Бокерия собик Югославиянинг собик Президенти Слободан Милошевичнинг паталогоанатомик экспертизаси натижалари билан танишган, у шифокорлар йўл қўйган хатоллик туфайли оламдан кўз юмган, яъни шифокорлар тўлиқ диагностика қилмаган, дея баёнот берди.

● Буюк Британияда норозилик намоийшлари уюштирилди. Бунга бош вазирнинг нафақасиз қолиши мумкин бўлган қарияларга товон пули тўлашдан бош тортиши сабаб бўлди.

● Қиммат автомобиллар ишлаб чиқаришда жаҳонда етакчи саналган «BMW» компанияси рекорд кўрсаткичларга эришиш ниятида. Жорий йилда компания ўтган йилгига нисбатан кўпроқ даромад олишни режалаштирмоқда. 2006 йил натижаларига кўра бу кўрсаткич 22 фоизга ортиши керак. Бу ҳақда компания раҳбари махсус матбуот анжуманида баёнот берди.

● Саддам Ҳусайн устидан олиб борилган суд жараёни эндиликда ёпиқ эшиклар ортида давом эттирилди. Бу ҳақда трибунал раиси Рауф Абдурахмон баёнот берди. Ушбу чорани Саддам Ҳусайн суддан Ироқ халқига мурожаат минбари сифатида фойдаланаётганлиги билан изохлади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 18 март куни Тошкентда ҳаво ўзағариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаги 2-4, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.



сатрларда

- **КЕЧА** Юнусобод туманидаги турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган «Қашкар» маҳалласида «Халқлар дўстлиги — тинчлик гарови» мавзусида тadbир бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Сергели туман Усмон Юсупов маҳалласида «Ардоклаш сени жон Ватан», «Устозлар даврасида» мавзуларида кўп йиллик ҳаёт тажрибасига эга бўлган устозлар ҳамда Ватан ҳимоячилари билан учрашув уюштирилди.
- **БУГУН** Аҳмадхон Назаров маҳалласи ташаббуси билан 30-мехрибонлик уйида «Наврўз» байрамига бағишланган тadbир ташкиллатилди.
- **ТОШКЕНТ** авиасозлик касб-ҳўнар коллежида Ҳамза туман мактаблари педагогик жамоалари учун очик эшиклар куни бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** шаҳримизнинг сўлим Абдулла Қодирий боғида «Қамолот» ЁИХ Шайхонтохур тумани бўлими кенгаши томонидан «Варраклар сайли» уюштирилди.
- **КЕЧА** «Зарафшон» концерт залида ёш дизайнерлар танлови бўлиб ўтди. Унда миллий ва замонавий либослар намоийш этилди.
- **БУГУН** Шайхонтохур туман ички ишлар бош бошқармаси ва профилактика ҳисобида турувчи вояга етмаганлар ўртасида Белтепа болалар спорт мажмуасида ўтказилган спорт мусобақалари «Сог танда — соғлом ақл» деб номланди.
- **НАВРЎЗ** айёми арафасида пойтахтимизда ўтказилган 2 кунлик умумхалқ ҳашарида Юнусобод туманининг 120 минг нафардан зиёд фуқароси фойдали иштирок этди. Эътиборлиси уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этди.
- **КЕЧА** Республика болалар ижодиёт уйида иқтидорли ёш хаваскор дизайнерлар кўрик танлови бўлиб ўтди.
- **ЭРТАГА** Миробод туманидаги Абдулла Авлоний маҳалласида «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан халқимизнинг азалий байрами бўлмиш «Наврўз» шодиёналарига бағишланган кеча ўтказилди.

АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

«АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШНИ ИСТАР ЭДИМКИ, ҚОЗОГИСТОН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ — БУ БИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ, УНИНГ МУАММОЛАРИ — БИЗНИНГ МУАММОЛАРИМИЗДИР. БИЗ ҲАМИША ЕЛКАМА-ЕЛКА ЯШАБ КЕЛГАНМИЗ». ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ ЯНВАР ОЙИДА БЎЛИБ ЎТГАН ҚОЗОГИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ НУРСУЛТОН НАЗАРБЕВНИНГ ИНАУГУРАЦИЯ МАРОСИМИДА АЙТГАН УШБУ СЎЗЛАРИ ЎЗБЕК-ҚОЗОҚ МУНОСАБАТЛАРИГА БЕРИЛГАН ҚИСҚА, БИРОҚ АНИҚ ВА МУНОСИБ БАҲОДИР.

Қозоғистон Ўзбекистон учун шунчаки кўшни давлат эмас. Мамлакатларимиз халқлари кўп асрлар давомида дўстона яшаб келишган, азал-азалдан ўзаро савдо-сотик, қон-қардошлик алоқалари мавжуд, ўз чекларига тушган қувонч ва ташвишларни бира-га баҳам кўришган.

Қозоғистон — бугунги кунда собик шўролар маконидидаги ўтти даври кийинчиликларини муваффақият билан бартараф этаётган, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда тараққиётга эришаётган мамлакатдир.

Қозоғистон ўз ташки сийбатида устувор йўналишлар сифатида айниқса минтақавий даражадаги ҳамкорлик ва интеграциялашувга интилиш йўлини танлади. Айнан Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиларининг очиклиги, эзгулик йўлидаги интилувчанлиги ҳамда амалиётчилиги боис Марказий Осиёда самарали интеграция лойиҳалари ташаббуслари кўтарилди ва улар муваффақият билан амалга оширилмоқда. Масалан, 2002 йил февралда Остонада Ўзбекистон Президенти Исроил Каримов тақлифига биноан Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатлар уюшмани

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Минтақамизда ядро қуролидан холи худуд яратиш бўйича Ўзбекистон ташаббуси Қозоғистонда ўзининг акс-садоси ва тасдиғини топмоқда.

Мамлакатларимиз Евроосий иқтисодий ҳамжамияти ва ШХТ сингари халқаро ташкилотлар доирасида ҳам ақин ҳамкорлик қиладир. Ўзбекистоннинг Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига кўшилиш қарорини Қозоғистон биринчилардан бўлиб таъбирлади ҳамда мамлакатимизнинг ушбу ташкилот доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларга тезроқ киришиб кетишига кўмаклашшига ҳозирлигини изхор этди. Қозоғистон Президенти «Ўзбекистоннинг ҳамжамиятга кириши муҳим воқеа бўлиб, бу улкан бозорни барпо этишга катта имконият беради, Президентларнинг хоҳиш-ирода-си, ҳуқуматларнинг сый-ҳаракати билан биз жаҳон сахнида жуда нуфузли бирлашма барпо этиш имконига эгамиз», дея баёнот бергани тасдиқий хол эмас.

Мамлакатларимизнинг мустақиллигини қўлга киритгани, айниқса икки томонлама муносабатлар-

«Жаҳон» АА

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ



Ўзбекистон халқини, Тошкент шаҳрининг тадбиркорларини

НАВРЎ БАЙРАМИ

билан муборакбод этади. Юртимизда тадбиркорлар сафи кўпайиб борсин. Бу улуг айём элимиз дастурхонига қут-баракат, тўқин-сочинлик келтирсин. Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази Биржа савдоларига таклиф қилади. Битимларнинг тезкорлиги, ишончлилиги, конфеденциаллиги кафолатланади.

Манзилмиз: Тошкент, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-а-ўй. Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51. Факс: 133-20-74. WWW.tshmbm.uz; E-mail: Birla@mail.tps.uz va info@tshmbm.uz

Азиз ҳамшаҳарларимиз!

«СУВОЗ ТРЕСТИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ СИЗЛАРНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ ВА 2006 ЙИЛ 6 МАРТДА ЎТКАЗИЛГАН АКЦИЯНИНГ ҚИММАТБАҲО ЮТУҚ ЭГАЛАРИ ҲИСОБ РАҚАМИ РЎЙХАТИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Table with 4 columns: №, Ютуқ номи, Қиммати, №, Ютуқ номи, Қиммати. Lists various goods and their values.

Ютуқларни олиш учун қуйидаги манзил бўйича «Сувоз» трести давлат унитар корхонасида мурожаат этишларингизни сўраймиз: Тошкент ш. Миробод тумани, Чехов кўчаси, 2-ўй, 409-хона. Паспорт ва 2003-2005 йиллар оқова ва ичимлик сувидан фойдаланганлик учун тўлов хабарномаси бўлиши шарт. Ютуқлар рўйхат эълон қилингандан сунг ум ой мобайнида бериледи.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманининг «О'ЗМАТБАА-ТА'MINOT» республика корхонаси ўзининг «О'ЗМАТБАА-ТА'MINOT» масъулияти чекланган жамият сифатида қайта тузилган ва «О'ЗМАТБАА-ТА'MINOT» республика корхонасига қарашли қарз ва мажбуриятларни тўлагичига қабул қилувчига айланганини эълон қилади. Шикоятлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30. Телефон: 144-60-66.

Тошкент солиқ коллежи маъмурияти ва ўқитувчилар жамоаси бош тарбиячи Фофур Пралиева онаси ПРАЛИЕВА Махбуба Нигматилла қизининг бевакт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

TO'SHKENT OKSHOMI 3. Dushanba, 20. Uzbekiston. TV-3. HTB. SESHANBA, 21. Russia. Lists TV schedules for various channels.

«СУВОЗ ТРЕСТИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ СИЗЛАРНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ... Table with 4 columns: №, Ютуқ номи, Қиммати, №, Ютуқ номи, Қиммати.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИНИНГ «О'ЗМАТБАА-ТА'MINOT» РЕСПУБЛИКА КОРХОНАСИ... Тошкент солиқ коллежи маъмурияти ва ўқитувчилар жамоаси бош тарбиячи Фофур Пралиева онаси ПРАЛИЕВА Махбуба Нигматилла қизининг бевакт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

